

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ
“ДАВЛАТ БЕЛГИСИ” ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

“Тасдиқлайман”

“Давлат белгиси” ДУК

Бош директори

А.Х.Хамидов

«12, декабрь 2023 й.

“Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида монополияга қарши
комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг ишлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

Хужжатни амал килиш муддати: <u>“12” декабрь 2023</u> йилдан <u>“12” декабрь 2027</u> йилгacha Узайтирилди _____ 20 ____ гача	Холати <input checked="" type="checkbox"/> Амалдаги <input type="checkbox"/> Эскирган	Таҳир _____ Нусха рақами _____ (хужжатларни юбориш вактида хужжатлаштиришни бошқарувчи жавобгар шахснинг имзои _____)
--	---	---

“Давлат белгиси” ДУКда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг ишлаш тартиби тўғрисида
Низом

Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш, унинг фаолият юритиш ва мониторинг қилиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
монополияга қарши курашиш органи — Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари;

монополияга қарши комплаенс — фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликлар хавфини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ички ташкилий чора-тадбирлар ва таомиллар тизими;

монополияга қарши комплаенс тўғрисидаги ҳисобот — корхонада рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига амал қилинишини ташкил этиш ҳақидаги ахборотни ўз ичига оладиган ҳужжат;

Монополияга қарши комплаенс тузилмаси.

савдолар — товар ва хизматларни харид қилиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган таомиллар, шу жумладан, электрон савдо таомиллари.

3. Қуйидагилар монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабарининг эҳтимолий бузилиш хавфларини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда уни бошқариш;

корхонада рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабарига мувофиқлигини таъминлаш ва мониторинг қилиш;

корхонанинг фаолиятида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишини ҳамда раҳбарлар томонидан ўз вазифаларини бажариш жараёнида рақобатга зид хатти-ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олиш;

корхонада монополияга қарши комплаенс тизимини ишлаш самарадорлигини баҳолаш ва таъминлаш;

“Давлат белгиси” ДУК ходимларида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш ва мунтазам равишда ушбу йўналиш бўйича уларнинг малакасини ошириш юзасидан ўқитиш йўли билан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига доир фикрларини ривожлантириш.

Монополияга қарши комплаенс тизимини ташкил этиш

4. Монополияга қарши комплаенс тузилмаси қуйидагиларни амалга оширади:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишини мониторинг қилиш;

“Давлат белгиси” ДУКда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг ишлаш тартиби тўғрисида Низом

фаолиятга тегишли материалларни таҳлил қилиш (шу жумладан, рақобатни ва (ёки) истеъмолчиларнинг хукуқ ва манфаатларини чеклайдиган нормаларни аниқлашга қаратилган ички хужжатларни хатловдан ўтказиш), аниқланган камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган чораларни ишлаб чиқиш;

рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

монополияга қарши комплаенс тизимининг фаолият юритиши билан боғлиқ масалалар бўйича бошқа тузилмавий бўлинмалар билан ўзаро алоқаларни мувофиқлаштириш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талаблари бузилиш билан боғлиқ ички ўрганиш ишларини ташкил этиш;

монополияга қарши курашиш органи билан рақобат тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талаблари бузилиши бўйича ўзаро ахборот алмашиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш мақсадида бир йилга мўлжалланган “Йўл харитаси” ни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари ўзгаришларни мониторинг қилиш, шунингдек, идоравий хужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар киритиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини аниқлаш, хавфлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳисобини юритиш ва юзага келиш эҳтимолини белгилаш;

корхона фаолиятида рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

корхона ходимларига рақобат тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабларига амал қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатлар бериш;

монополияга қарши комплаенс масалалари бўйича мунтазам равища тренинглар ўтказиш;

корхона томонидан қабул қилинадиган хужжатларнинг лойиҳаларини ўрганиш ва рақобат тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабларининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган нормалар аниқланган тақдирда, бу ҳақда раҳбарни хабардор қилиш;

корхонанинг Қоғоз, Босма фабрикалари ва Зарбхонасида ҳамда тегишли таркибий тузилмаларда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш;

ҳар йили биринчи февралга қадар монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисоботни раҳбариятга тасдиқлаш учун тақдим этиш.

Монополияга қарши комплаенс тузилмаси бевосита корхона раҳбарига бўйсунади ва ҳисобдор бўлади.

Рақобат тұғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабарининг бузилишини аниқлаш

5. Корхонада рақобат тұғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабарининг бузилиш хавфларини аниқлаш мақсадида Монополияга қарши комплаенс тузилмаси томонидан қуийдагилар амалга оширилади:

рақобат тұғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабарининг бузилишига ёки бозорда рақобатни чеклашга олиб келадиган нормалар ва қоидаларни аниқлаш мақсадида норматив-хукуқий хужжатларни үрганиш;

жорий этиладиган янги чекловлар, рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турлари, лицензияларни, шунингдек, рухсат бериш хусусиятига эга хужжатларни ёки лицензияларни олиш учун қўшимча талаблар ёки шартларни ҳамда техник тартибга солиш талабарининг жорий этилишини үрганиш;

тендер ва биржа савдоларига қўйиладиган монополияга қарши талабларга амал қилинишини таҳлил қилиш;

давлат харидларининг рақобат тұғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабларига мувофиқлигини үрганиш;

аниқланган рақобат тұғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини таҳлил қилиш;

рақобат тұғрисидаги қонунчилик хужжатларини қўллаш амалиётини мониторинг ва таҳлил қилиш;

рақобат тұғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабарининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини мунтазам равища баҳолаш;

вужудга келиш эҳтимоли бўлган монополияга қарши хавфларни таҳлил қилиш ва уларнинг рўйхатини комплаенс-хавфлар харитаси кўринишида тузиш;

рақобат тұғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабарининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлигини мунтазам равища баҳолаш.

6. Рақобат тұғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабарининг бузилиш бўйича аниқланадиган хавфлар ваколатли шахс томонидан мазкур низомга иловага мувофиқ даражалар бўйича тақсимланади.

7. Рақобат тұғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабарининг бузилиш хавфларини таҳлил қилиш, аниқлаш ва баҳолаш тұғрисидаги ахборот монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисботга киритилади.

Монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш

8. Корхонада монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйча асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш

монополияга қарши курашиш орган томонидан ишлаб чиқилган методикага асосан ҳисоблаб борилади.

9. Корхонада монополияга қарши комплаенс тизимининг эришилган асосий самарадорлик кўрсаткичларини монополияга қарши курашиш органи баҳолайди (йилда камида бир марта).

10. Корхонада монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича асосий кўрсаткичларга эришилганлиги тўғрисидаги ахборот монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисботга киритилади.

Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисбот

11. Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисбот қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабарининг бузилиш хавфлари бўйича ўтказилган баҳолаш ишларининг натижалари ҳамда камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилиши;

монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий самарадорлик кўрсаткичларига эришилганлиги ҳақидаги ахборот.

12. Корхона томонидан монополияга қарши комплаенс бўйича ҳисбот корхонанинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва уч иш куни ичida монополияга қарши курашиш органига юборилади.

Келишилди:

Бош директор
ўринбосари



И.К.Анарбоев



Т.Х.Батиров

Ишлаб чиқди:

Ички аудит хизмати комплаенс-
назорат бўйича бош мутахассиси